Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 26 май 1974 йил, якшанба • № 122 (15.902). • Баҳоси 2 тийин.

ХИМИКЛАР КУНИ ШАРАФИГА

24 май куни Москвада Давлат марказий концерт залида химиклар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Залда ишлаб чиқариш илғорлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, социалистик мусобақа ғолиблари, министрликлар ва идораларнинг ходимлари бор эди.

Мажлис аҳли КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлади.

Химия саноати министри Л. А. Костандов ўз докладида химия, нефтни қайта ишлаш, микробиология саноати меҳнатчиларининг муваффақиятлари тўғрисида, улар тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажараётганликлари ҳақида гапириб берди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номига яқдиллик билан табрикнома қабул қилинди.

(ТАСС мухбири).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ!

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари республиканинг ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, маҳсулотни реализация қилиш беш ойлик планини муддатидан илгари бажардилар. Ой охригача пландан ташқари 2 миллион 900 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛ

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

БУГУН — ХИМИКЛАР КУНИ

МУҲИМ ТАРМОҚ

БИЗНИНГ СУҲБАТ

Бутун бутун мамлакатимиз химиклари қатори Ўзбекистон химия саноатининг меҳнаткашлари ҳам ўзларининг анъанавий байрамларини юксак меҳнат кўтаринкилиги билан кутиб олмоқдалар. Байрамга янги-янги ютуқлар, улкан меҳнат совғалари билан келиш — химикларимизга одат бўлиб қолди. Шу муносабат билан мухбиримиз Н. Саъдуллаев Ўзбекистон ССР Давлат план комитети химия, геология, металлургия ва минерал хом ашё бўлимининг бошлиғи У. Далабоевга мурожаат қилиб, химия саноатимиз эришаётган ютуқлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Республикамиз химия саноатининг ходимлари ўз байрамларини қандай кутиб олишяпти?

— КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини тўла амалга ошириш йўлида кимёгарларимиз Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб қувончли натижаларга эришмоқда. Одатга кўра улар бу гал ҳам ўз байрамларига ажойиб совғалар билан келишди. Тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йили дастлабки тўрт ойида пландан ташқари 36,4 минг тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқариш 11,4 процент ортди. Шунингдек, нефть химияси, микробиология саноати ишчилари, инженер-техниклари, илмий-текшириш институтларининг ходимлари ҳам бу байрамга муносиб армуғон ҳозирлашди. Улар ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияни кенг жорий этмоқдалар. Кўплаб янги хил маҳсулот тайёрлашни ўзлаштирдилар.

— Корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақанинг таъсири ва роли ҳақида гапириб берсангиз.

— Мусобақа ютуқлар гарови эканлиги эндиликда барчага аён. Буни қалбдан ҳис этган химия саноати корхоналарининг қатор коллективлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Олмалиқ химия заводи, Чирчиқ электрохимия комбинати, Олмалиқ маиший химия буюмлари заводи, Тошкент лак-бўёқ заводи, Фарғонадаги азотли ўғитлар заводи ишчилари мусобақа асосида ишлаб, белгиловчи йилнинг ярим йиллик социалистик мажбуриятларини ҳам беш ой ичидаёқ уддалашди. Олмалиқ маиший химия буюмлари заводи планга қўшимча салкам 200 минг сўмлик халқ истеъмол молларини савдо ташкилотларига жўнатди. Тошкент лак-бўёқ корхонаси ва Олмалиқ химия комбинатининг аммофос заводи пландан ташқари кўплаб маҳсулот етказиб бердилар.

— Ўзбекистоннинг катта химияси дейилишининг боиси нимада?

— Эшитган бўлсангиз, ўттизинчи йилларга қадар ўлкамизда биронта ҳам химия корхонаси бўлмаган. 1929 йилда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг III съезди бўлиб, унда биринчи беш йиллик план топшириқлари қатори, химия саноати масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. 1931 йилда Чирчиқ электрохимия комбинати, 1946 йилда Қўқон суперфосфат заводлари ишга тушилди. Улар ҳозирги катта химиямизнинг бошланиши эди. Ҳозир-чи? Ҳозир химия саноати жуда тез суръатлар билан юксалиб боряпти. Бухорода битмас-туганмас табиий газ запасининг «жилов»ланиши ва саноат хизматига бўйсундирилиши катта воқеа бўлди. Чирчиқ электрохимия комбинатининг қуввати ортди. Олмалиқ ва Навоийда гигант химия корхоналари қурилди. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Қўқон, Бухоро каби йирик шаҳарларда катта химия корхоналари вужудга келди. Азот, суперфосфат, фосфор, карбомид, аммофос ўғитлари ишлаб чиқарувчи қатор корхоналар кўпайиб бормоқда.

— Химия саноати ходимларини пахтакорларнинг мददककори дейишади. Улар бу номга муносиб бўлиш учун қандай ишлар қилишяпти?

— Чиндан ҳам республикамиз химия саноатининг тараққиёти серқуёш ўлкамизнинг асосий ва миллий бойлиги — пахтачилик билан узвий боғлиқдир. 70-йилларга келиб деҳқонларимизнинг азот ўғитларига бўлган эҳтиёжи қондирилди. Корхоналаримиз йилига бир ярим миллион тоннагача минерал ўғитлар ишлаб чиқариш даражасига етди. Олмалиқ шаҳрида барпо этилган концентратлашган аммофос ўғитлари ишлаб чиқарувчи корхона Иттифоқимизда биринчи ва ягонадир. Ҳозир корхонанинг иккала навбати ҳам муваффақиятли ишламоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик қуввати бир миллион саккиз юз минг тоннадан ортиқдир.

Эндиликда химикларимиз ҳатто қардош республикаларнинг деҳқонларига ҳам минерал ўғитлар жўнатиб турибди. Ғўза бargларини тўктирувчи ва зарарли ҳашаротларни қирувчи химикатларни кўплаб ишлаб чиқармоқда. Қозоғистон ССР районлари, Поволжье колхоз-совхозлари ва Закавказье республикаларининг қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳам уларни олқишламоқда.

Ўтган йили аввалгига нисбатан сунъий жун — нитрон толаси ишлаб чиқариш икки баравар кўпайди. Табиий газдан нитрил-акрил ва уксус кислоталар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Сунъий ипак ишлаб чиқариш эса республикамизда етиштириладиган табиий ипак ҳажмидан ошиб кетди. Шунингдек, бошқа хил химиявий толалар ва органик моддалар ҳам сезиларли даражада кўплаб тайёрланмоқда. Буларнинг ҳаммаси шу беш йилликда химия саноати маҳсулотлари тайёрлаш ҳажмининг саккизинчи беш йилликдагига нисбатан, КПСС XXIV съезди Директиволарида кўрсатилганидек, 2,3 марта ўсишини таъминлайди.

— Катта химиямиз Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш йўлида доимо хизмат қилиб келди ва хизмат қилаверади. Мен бугун саноатимизнинг фидокор ишчиларини, инженер-техник ходимларини байрам билан қизғин қутлайман. Уларга соғлиқ ва ишларида янги-янги ютуқлар тилайман.



Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхозда 130 гектар майдонга дон учун экилган маккажўхори барқ уриб ўсяпти. Маккажўхорикорлар гектаридан 120 центнердан сара дон олишга аҳд қилишган. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун маккажўхорига ҳозиргача уч марта сифатли ишлов бердилар ва бир марта озиқлантирдилар. Суратда: 5-бригаданинг илғор механизатори Қўчқор Бердиев.

А. Тўраев фотоси.

ЗВЕНОЛАР РАПОРТИ

ФАРҒОНА областининг Ўзбекистон районидаги «Комсомол» совхозининг Чкалов номли бўлими пиллакорлари фаслда биринчилар қатори пилла топширишни бошладилар. Бўлим пиллакорлари 159 кути қурт уруғининг ҳар қутисидан камида 100 килограммдан «кумуш тола» олиш учун тезкорлик билан ишладилар. Натижада 20-22 кунда даста қўйилди.

Бўлимнинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Адолатхон Юсупова, Рузвоной Жўраева, Қундузбиби Қорабоева бошлиқ звеноларни пилла теришни муддатидан анча илгари бошлашди. Бу машъал пиллакорлар ҳар кути қурт уруғидан 110-120 килограммдан пилла топшириб, йиллик планларини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

А. ҲАЗРАТҚУЛОВ.

АРПАЗОРГА КОМБАЙН ТУШДИ

РЕПОРТАЖ

Кўҳна Боботоғ ортидан оҳиста мўралаётган қуёш нурлари рўпарадаги Кўҳитангтоғ тўшига заррин ёғду сочяпти. Балқиган қуёш нурлари ҳануз водийга таралмаган, тунги шабнам дов-дарахтлар, ўтўланлардан кўтарилмаган бўлсада Қорақир этакларида ҳаёт одатдагидан эрта жонланиб кетди. Кўз илғамас бепоён пайкаллардаги олтинранг арпа бошоқлари субҳидамда шовуллайди...

Тадбиркор ғаллакорлар ҳосилнинг пишиб етилишини ҳамиша тоқатсизлик билан кутадилар. Урибйиғиб олишга пухта ва беками кўст ҳозирлик кўрадилар. Бободеҳқонларимиз «ҳосил даладагиси билан эмас, балки омбордагиси билан ўлчанади», деб бежиз айтишмаган. Термиз районидаги «Таллимарон» совхозининг Эрмўмин Эшмўминов бошлиқ комсомол-ёшлар ғаллачилик бригадаси аъзолари ҳосил ўрим-йиғимига ҳамма нарсани барвақт тахт қилдилар. Сурхон водийсида биринчи бўлиб ғалла ўримини бошладилар. Комбайнчи Абдураим Маматов ўзи бошқарадиган «СК-4» агрегатини яна бир марта кўздан кечиргач, комбайнга чиқди-да рулга ўтирди.

— Қани, бошладик, — деди бригадир Эшмўминов қўли билан ғаллазорни кўрсатиб.

Комбайнчи шошилмай моторни ўт олдирди. Бепоён денгизда катта кема йўлга чиққандек комбайн бир силкиниб, арпазор уммонига шўнғиди. Комсомол аъзоси, А. Маматов комбайнни бир меъёрда ҳайдаб, пайкал этагига учтўрт бориб келди. Бир гектар ернинг ҳосили 2 соатда ўрилгач, янчилган янги арпа дони юк машинаси кузовини тўлдирарди.

Ўтан йили шу майдонларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олинган эди. Бу йил ёш ғаллакорлар гектар бошига ҳосилдорликни 5 центнерга ошириш учун астойдил меҳнат қилдилар. Натижада мўлжалдагидан ҳам эртароқ ҳосил пишиб етилди. Биринчи куниёқ 4 гектар майдондаги арпа ўриб, янчиб олинди. Урта ҳисобда ҳар гектар ердан 45,4 центнердан хирмон кўтарилмоқда. Урим-йиғим ишлари конвейер усулида ташкил этилганлиги туфайли ҳосил йиғиштириб олинган майдонлардаги сомон ва похол дарҳол ташиб олинмоқда. Ундан кейин ерга пешма-пеш ҳайдов тракторлари кириб келади. Улар кетидан иш бошлаган трактор махсус сеялка билан ерга маккажўхори уруғини қадаб чиқади. Сўнгра, уруғ экилган майдонларга сув таралди.

— Биз республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига, — дейди бригадир Э. Эшмўминов, — қўшни «Қизил юлдуз» колхозининг моҳир ғаллакори Тўра Қулсоатов бошлиқ бригадаси аъзоларининг мурожаатига қўшилиб, 30 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан арпа хирмони кўтаришга аҳд қилган эдик. Бригадамиз аъзолари жуда қисқа муддатда мавжуд ҳосилни ўриб-йиғиб олиш ва ўрнига дарҳол маккажўхори экиш бўйича қатъий график белгиладилар. Биз такрорий экилган майдоннинг ҳар гектаридан камида 70 центнердан маккажўхори дони, 400 центнердан кўкпоя, гектаридан жами 115-120 центнердан дон етиштирамиз.

Сурхон водийси меҳнаткашлари беш йилликнинг белгиловчи йилида дон етиштиришни 160 минг тоннага, шу жумладан, шолини 19 минг тоннага, маккажўхори ва оқ жўхорини 68 минг тоннага етказишга қатъий қарор берганлар. Область ғаллакорларининг сўзи билан ишида тафовут йўқ. Ҳамма колхоз ва совхозларда мўл-кўл ғалла ҳосили пишиб етилмоқда. Бу муҳим ишда комсомол ва ёшлар байроқдорлик қиляптилар. Барча ғаллакорларнинг мақсади битта: у ҳам бўлса етиштирилган мўл-кўл ғалла ҳосилининг бир граммини ҳам нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш ва омборларга тўкишдан иборат. Улар ўз мақсадларига албатта эришадилар.

А. ҲАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Расмий ахборот

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ Н. ЛЮБИЧИЧНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

24 майда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Югославия Коммунистлари Союзи Президиумининг аъзоси, ЮСФР халқ мудофаа ишлари бўйича союз секретари армия генерали ўртоқ Н. Любичични қабул қилди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали ўртоқ А. А. Гречко, шунингдек ЮСФРнинг СССРдаги элчиси ўртоқ М. Пешич қатнашдилар.

Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, шунингдек актуал халқаро проблемалар юзасидан муфассал фикрлашиб олинди.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Америкадаги энг катта фирмалардан бири «Роквелл Интернейшнл» директорлар кенгашининг раиси, В. Роквеллни 24 май куни Кремлда қабул қилиб, у билан суҳбатлашди.

Суҳбат давомида Совет-Америка илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш доир масалалар муҳокама қилинди.

Суҳбатда СССР Министрлар Совети фан ва техника Давлат комитети раисининг ўринбосари Г. В. Алексеенко, «Роквелл Интернейшнл» фирмасининг вакиллари Ч. Мичан ва М. Вуцелич, шунингдек Америка — Совет савдо-иқтисодий кенгашининг вице-президенти Ж. Коннор иштирок этдилар.

А. Н. Косигин Афғонистон элчиси билан суҳбатлашди

24 майда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Афғонистон республикасининг СССРдаги элчиси Н. А. Эътимодийни қабул қилиб, у билан Совет — Афғонистон масалалари хусусида дўстона суҳбатлашди.

Суҳбатда СССР Ташқи ишлар министрлиги Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлимининг мудири В. И. Минин ҳозир бўлди.

Миллий байрам муносабати билан

24 май куни Москвада жамоатчилик вакилларининг Афғонистон мустақиллиги кунига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда СССР министри С. Ф. Антонов ва визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган Афғонистон маориф министри Неъматулла Пежвак нутқ сўзладилар.

Иккала мамлакат ўртасида анъанавий, дўстона муносабатлар таркиб топганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу муносабатлар келгусида ҳам мустаҳкамланиб, ривожланаверади.

Йиғилишда Афғонистон республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Нур Аҳмад Эътимодий ҳозир бўлди. (ТАСС).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

К. Е. ЖИТОВНИ УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик, самарали илмий ва педагогик фаолияти учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Тошкент Олий партия мактаби КПСС тарихи кафедрасининг мудири Константин Евлампиевич Житов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

Тошкент шаҳри.
1974 йил, 25 май.

ЛЕНИНГРАД БИЛАН ТАНИШУВ

ЛЕНИНГРАД, 24 май. (ТАСС). Нигерия Федератив Республикаси давлат ва Федерал ҳарбий ҳукумат бошлиғи, қуролли кучлар бош қўмондони Якубу Говон бугун Нева дарёси соҳилидаги шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Якубу Говон Пискарев мемориал қабристонида она-Ватан монументига гулчамбар қўйди. Олий меҳмон гитлерчилар Ленинградни 900 кун мобайнида қамал қилиб турган вақтда ҳалок бўлган шаҳар ҳимоячилари хотирасини бир дақиқа сукут билан эсга олди. Мемориал майдонида Ленинград гарнизони қўшинларининг фахрий қоровули саф тортди. Иккала мамлакат Давлат гимнлари ижро этилди.

Якубу Говон фахрий меҳмонлар китобига ленинградликларнинг қаҳрамонона жасоратидан тўлқинланганлигини изҳор қилган сўзларни ёзиб қолдирди.

Сўнгра меҳмон Смольнийни бориб кўрди. У Совет ҳокимияти эълон қилинган мажлислар залида бўлди, революция доҳийси В. И. Ленининг биринчи иш кабинетини ва хонасини томоша қилди.

Якубу Говон «Аврора» крейсерини бориб кўрди, кема музейини томоша қилди.

Якубу Говонинг мамлакат бўйлаб сафарида ҳамроҳлик қилаётган Нигериянинг бошқа давлат арбоблари, шунингдек Нигериянинг СССРдаги элчиси Жон Идубезе Укенбу Якубу Говон билан бирга бўлдилар.

Элчи қабул қилинди

24 майда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров Японияннинг СССРдаги элчиси А. Сигемицуни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Улар ўртасидаги суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Москва Кремлининг Свердлов залида 24 май куни адабиёт ва санъат соҳасида 1974 йилги Ленин мукофотларининг дипломлари ва нишонларини топшириш маросими бўлди. Янги лауреатларни табриклаш учун ёзувчилар, рассомлар, музикачилар, архитекторлар, совет маданиятининг жуда кўп намояндалари жамоатчилик вакиллари билан бирга келдилар.

Тантанали маросимни СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида СССР Ленин мукофотлари ва Давлат мукофотлари комитетининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. С. Тихонов очди. У лауреатларнинг янги отрядини чин кўнгилдан табриклаб, 1974 йилги Ленин мукофотларининг берилиши — кўп миллатли совет маданиятининг кўпгина соҳаларида — санъат, адабиёт ва архитектура соҳаларида юксак муваффақиятларга эришилганлигининг ёрқин далили эканлигини таъкидлаб ўтди.

Н. С. Тихонов юксак мукофотга сазовор бўлган асарларни тавсифлаб, ҳозир бўлган кишиларнинг қарсаклари остида лауреатлик дипломлари ва нишонларини мукофотланганларга топширди. Қаламкаш ўртоқлар ва дўстлар уларга гуллар тақдим этишди. Юксак мукофотларни илмий ходим М. Алимова (ўнгда) ва лаборант А. Шоабдуқаримов тажриба вақтида самарали иш олиб бормоқдалар. Илмий ходимлар маҳсулот сифатини яхшилаш ва мустаҳкамлигини ошириш учун тинмай изланмоқдалар. Суратда: кичик техник ходимларини байрам билан қизғин қутлайман. Уларга соғлиқ ва ишларида янги-янги ютуқлар тилайман.

СССР химия саноати министрлигининг Тошкент химия ва пахта целлюлозаси институтининг ходимлари янги тадқиқотлар устида самарали иш олиб бормоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

Е. Е. Моисеенко, К. М. Симонов, М. Б. Храпченко, Т. Н. Хренников, В. А. Чеканаускас, В.-К. М. Бальчунас, В. Ю. Бредикис, Г. С. Валюшкис, А. А. Клейнотас, В. Ю. Шилейка олдилар.

Лауреатлар ўз меҳнати ва талантига юксак баҳо берилганлиги учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига қизғин миннатдорчилик изҳор этдилар.

(ТАСС мухбири).

16 июнь якшанба — СССР Олий Советига сайловлар кунги

ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ УЧУН

САЙЛОВЧИЛАР КЛУБИ

Боғдод районида СССР Олий Совети сайловига тайёрлик қизғин тус олмоқда. Партия ташкилотлари секретарлари ва агитпункт мудирларининг семинарлари мунтазам ўтказилиб, уларга вақт-вақти билан йўл-йўриқлар берилмоқда. Сиёсий ахборотчи, ташкилотчи, агитатор, «Билим» жамияти лекторларининг фаолияти кучайтирилмоқда. Агитпунктлар сони қўшайтирилиб, 30 тага етказилди. Шу кунларда бу даргоҳлар меҳнаткашларнинг севимли жойига айланиб қолди.

«Москва» колхозида ташкил этилган учта агитпунктда сайловчилар ўзлари қизиққан барча саволларга жавоб олишмоқда, газета, журналлар ўқиб, дам олишмоқда.

Рисолатхон Пирматова мудир бўлган 2-агитпункт фаолияти айниқса диққатга сазовордир. Агитпункт сайлов олди тушунтириш ишларининг маркази бўлиб қолди. Унинг ҳамма хоналари турли шиор ва плакатлар билан чиройли жиҳозланган. Агитаторлар состави қайта кўриб чиқилиб, улар сайловчилар хонадонларига, бригада ва фермаларга бириктириб қўйилган. Сайлов олди пропагандаси шу кунларда айниқса кучайтириб юборилди. Жўрақўзи Очилдиев, Эътиборхон Мамадалиева, Мирзахалил Муҳаммаджонов, Абдулла Пўлатов сингари ишчан ва сергайрат агитаторлар сайловчилар ўртасида «Совет сайлов системаси дунёда энг демократик системадир», «Колхозимиз сайловдан сайловгача», «Депутат — халқ хизматкори» каби темаларда қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Агитпункт ҳузурида сайловчилар клуби ҳам ишлаб турибди. Унга 14 киши дан иборат лектор ва бадиий ҳаваскорлар жалб этилган. Клуб план асосида ўз тадбирларини амалга оширмоқда.

Шунингдек, Ж. Мадаминова, Қ. Ҳайдаров ва бошқа ўртоқлар мудир бўлган агитпункт ва клублар ҳам ўз фаолиятини намунали йўлга қўйди.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БАЛИҚЧИЛАР ҚУВОНЧИ

МУЙНОҚ. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Жанубий Орол балиқчилари СССР Олий Советига сайловлар шарафига социалистик мусобақани авж олдиряптилар. Балиқчилик хўжаликлари ва корхоналарининг балиқчилари балиқ овлаш планларини ошириб бажармоқдалар. Улар тўққизинчи беш йиллигининг бегиловчи йилига камида 67 минг 500 центнер балиқ овлаш, 12 миллион 300 минг шартли банка балиқ консерваси ишлаб чиқариш мажбуриятини олганлар.

Балиқчилар орасида сайловолди агитация-пропаганда ишлари қўн сайин авж оляпти. Агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар меҳнаткашлар ўртасида суҳбатлар, лекциялар, савол-жавоб кечалари, учрашувлар ўтказмоқдалар.

4-, 5-, 15- сайлов участкаларида жойлашган агитпунктлар сайловчиларнинг маданий ҳордиқ чиқарадиган марказига айланган. Қуруқликдан 45-65 километр нарида — денгизда балиқ овлаётган балиқчилар ўртасида ҳам сиёсий-тушунтириш ишлари намунали уюштирилган. Улар 2-3 ҳафталаб қирғоқка чиқмасдан балиқ овлайдилар. Шунинг учун ҳар бир кемага биттадан агитатор бириктирилган. Бундан ташқари агитпароход ташкил қилинди. У турли шиор ва плакатлар билан чиройли қилиб безатилган. Агитпароход балиқчилар ҳузурида тез-тез бўлиб, сайловчиларни мамнун қилмоқда.

УЧРАШУВЛАР, СУҲБАТЛАР

Андижон районидаги Миробод сайлов участкаси ҳузурида ташкил этилган агитпункт коллективи сайловчилар ўртасида тушунтириш ишларини қизғин олиб бормоқдалар. Агитпункт мудири ўртоқ Х. Фозилов ташаббуси билан ҳар ҳафтада агитаторларнинг йиғилиши ўтказилмоқда. Уларга сайловолди агитация ва пропаганда ишларини қандай олиб бориш тўғрисида кўрсатмалар берилаётир, илғор агитаторларнинг иш тажрибалари оммалаштириб борилмоқда.

28 агитатор хонадонларга бириктириб қўйилган. Улар тез-тез сайловчилар ҳузурида бўладилар. Бундан ташқари агитпунктда ўтказилаётган хилма-хил тадбирлар сайловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Биринчи марта овоз беришга қатнашадиган сайловчилар билан суҳбат кечаси, кекса сайловчиларнинг ёш сайловчилар билан учрашувлари айниқса қизиқарли ўтди.

Шу кунларда агитаторлар 97-сайлов округидан депутатликка номзод қилиб кўрсатилган СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети Фан ва техника давлат комитетининг раиси ўртоқ Р. И. Криллин, Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи 602-Андижон сайлов округидан депутатликка номзод Андижон шаҳар электроаппарат заводининг йиғувчи слесари Мунажатхон Қосимова таржимаи ҳоли билан сайловчиларни таништирмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг совет гражданлари, барча сайловчиларга Мурожаатини тушунтириш юзасидан суҳбатлар ўтказмоқдалар.

М. ОХУНОВА.

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

ПАХТАКОРЛИК ШАРАФИ

— Ота-боболаримиз пахта экиб, рўзғор тебратган, деҳқон ўтган. Мен ҳам ерга меҳр қўйиб яшадим. Аҳолларинг шаҳарлик бўлиб кетишди, даладаги изимиз ўчиб, армон билан кетмасам деб қўрқардим. Яхшиям бахтимга сен бор экансан, — дерди Акбар ака қизи Ҳамрохонга.

Ҳамрохон отаси айтганидек, ёшлигидан ерга меҳр қўйди. Деҳқон қизи бўлиб ўсди. Бешкапага келин бўлиб тушганда ҳам ердан ажралмади, сочини турмаклаб, чиллада яхоб берди, ёзда ғўзасига сув таради, дугоналари билан ғўзаларни яшнатди, ҳам ипак қурти боқди. Кузда оппоқ пахтазорга шўнгиди. Чевар теримчи қизлар билан басма-басига пахта терди.

Ҳамрохонни колхоз боғчасига мудира қилиб тайинлашди. «Бир шартим бор, — деди ўшанда. — Рози бўлсаларингиз, кўнаман. Мен далани севаман. Уни тарк этолмайман. Дала ишларига ҳам қарашиб турсам».

Шу тариқа боғчадан бўшаса далага югурди. Унинг ғайрати болалар боғчаси доирасига сиғмас эди. Кейинчалик пиллачилик бригадасига бошчилик қилди. Планни 120-130 процент бажарди. Шунда ҳам далани тарк этмади. Қадрдон далалар ҳамиша қайноқ бағрига чорларди уни. Меҳнати қадрланди. Орден олди. Отаси бахт меҳнатдан келади, деганда балки худди шуни кўзда тутгандир?

Етмишинчи йили Ҳамрохонни пахтачилик бригадасига бошлиқ қилиб сайлашди. Шу йили ипак пахта экилди. Пахтакорлар Ҳамрохон бошчилигида кўп меҳнат қилишди. Машаққатлар зое кетмади. План тўлиб-тошди. Гектаридан 29,6 центнердан ингичка толали пахта олинди.

Келгуси йили ҳосилдорлик гектар бошига 31,6 центнерга, 1972 йилда эса 41,6 центнерга етди. Ҳамрохоннинг кўкрагига Ватан Ленин орденини тақиб қўйди. Бу бахтдан у ширингина энтикди.

— Раҳматлик отам бўлганда, қанчалик қувонарди. Отам айтган бахт шумикан?

— Йўғе, ахир бахтнинг поёни борми?!

Қишлоқда тонг эрта ёришади. Хўрозлар қичқириғи тинмай, кўм-кўк боғлар оғушидаги осуда қишлоқ уйқудан туради. Ҳамма далага отланади. Яшил далаларга файз киради.

Субҳидамда дилбар аёл дала кезяпти. Барваста, хуш қомат, Ёши қирқни қоралаган. Чўғдек чеҳрасида жўшқинлик. Бошидаги кўк гулдор дурраси тонг елида ҳилпирайди. Қора хонатлас кўйлаги устидан қора духоба нимча кийган. Эрта экилган ғўзалар барқ уряпти. Пайкал оралаб, ғўзаларни кўрмаса, кўнгли ўрнига тушмайди. Ғўза нимага муҳтож. Шуни аниқлайди. Эрталик иш режасини тузади.

Бригаданинг ерлари ҳар хил: қумлоқ, қора шўр, захкаш. Ғўзаларга шунга қараб ишлов берилади. Илгари минг ямоқ қуроқ тўндек лахтак-лахтак ерлар йириклашган. Қишлоқнинг ғарбида қирқ гектарлик, кун чиқарида 36 гектарлик бригада ерлари икки анҳорга туташади.

— Пахтакорнинг ғўзага меҳри олдида табиат ожиз, — дейди бригадир. — Лекин ҳавонинг авзойи бузилса, деҳқон юрак ҳовучлаб туради. Жиндек ҳатар сезса, арик ёкасида ўйнаётган боласидан ҳавотирланган онадек, оромини йўқотади. Ўтган баҳор қаттиқ шамол келди. Ёш ниҳолларни илдизи билан қўпоргудек тортқилади. Қумлоқдаги эртанги ғўзаларимиз устига қум-тўзон ёғилди. Сув қўйиб ҳам тўхтатолмадик. Ғўзалар қорайиб, қуриб қолди. Кетидан ёққан ёмғирдан сўнг шўр ерларнинг ғўзасини қатқалоқ босди. Тирнаб юмшатдик. Ёш ғўзани бўғзидан зажирдек қисиб қуритишига йўл қўймадик... Қумлоқ ерга қайта чигит экдик.

Бор меҳринг, меҳнатингни берган ғўзанг нобуд бўлса, тоқат қилиб бўладими? Ўшанда шамол, жала урган ғўзаларга ачиниб ҳўнг-ҳўнг йиғлаганман. Баҳордан қузгача деҳқон ташвиш билан яшайди. Лекин барибир, дилида алангадек ловуллаб ёнган пахта ишқи олдида табиатнинг қаҳри милтиллаган учқун, холос, — дейди опа.

Ҳамрохоннинг тўққизта фарзанди бор. Серфарзанд, баркамол она. Бу ишга халқит бермайди.

— Райком секретари Ҳ. Асқарова бултур «Крестьянка» журналидан москвалик мухбирларни бошлаб келди. Меҳмонлар тўққиз фарзанднинг онаси бригадани моҳирлик билан бошқараётганидан ҳайратда қолишди. Жўшқин коммунист бригадир, райком аъзоси, район Советининг депутати, колхоз правлениесига ҳам аъзо. Учта оналик шуҳрати ва бошқа қўша-қўша орден-медаллари бор, — дейди партком секретари З. Раҳмонов.

Ҳар туп ғўза суюб, эъзозланади. Бир туп ғўза ҳосилга киргунча унга неча бор қўл тегади. Ерлар — сергўнг. Бўрдоқига боқилгандек семиз. Бир ярим минг тонна гўнг ҳамда минерал ўғит экишдан олдин солинган. Ўтлар юлиниб, остн чопиб юмшатилган. ғўзалар билқиллаган тупроқда яйраяпти. Серавж. Ишлов қизғин. Ҳамрохоннинг бригадаси Мамадали Аҳмадалиев ва Абдуллажон Нишонов, Олимжон Бегматов, Шарифжон Нортожиев, Фозилжон Эрматов, Араббой Қўлдошев, Сорахон Умарова каби забардаст бригадалар пахтакорлари билан беллашяпти. Бу йил 50 центнерлик маррага талпиняпти. Колхоз эса 40 центнерни кўзлаяпти.

Ҳамрохон Турдиматова 630-Ленинград сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига депутатликка номзод этиб рўйхатга олинди.

Узун, чайир қўллар. Бармоқлар ва кафтда ўрикнинг мағизидек янги бўртган, битган қадоқлар. Бу қўллар ипакдек мулойим эмас. Лекин тафти қайноқ. Бу қадоқ қўллар тер тўккан. Ризқ-рўз яратган, ҳаётни яшнатган қўллар.

Ҳамқишлоғим Ҳамрохон опани турли кезларда кўп кўраман. Жажжи боласини бағрига босиб, шийпондаги беланчакда тебратиб, аллалаб ухлатаётганда ҳам, анҳор бўйида миробларр билан сув талашаётганда ҳам, терга ботиб кетмон ураётганда ҳам кўрганман. Оқ булутдек кўпириб тошган пахтазорда бу қадоқ қўллар чаноқлар узра йўрғалиб, момиқ теряётганда ҳам, мусобақа ғолиби шаънига илиқ сўзлар айтилганда, кипригига севинч ёшлари қалқанида ҳам кўрганман.

Бугун яна яшноқ далалар бағрида кўрдим. У ёрқин бахт манзилларига шаҳдам қадам ташлаб бормоқда.

У. ОМОНОВ,
Ленинград районидаги Охунбобоев номли колхоз.

Семинар маркази—Хива

Мамлакатимизда қўчма қумлар 10 миллион гектар майдонни эгаллайди. Бу қумлар халқ хўжалигига катта зарар етказади — каналлар, пахта далалари ва боғларни босади, бўрон чоғида темир йўлларда поезд қатнови тўхтаб қолади, газ қувурларини қум босади. СССР Министрлар Совети ўрмон хўжалиги Давлат комитети чақирган ўрмончилар Бутуниттифоқ семинари қўчма қумларга қарши кураш проблемаларига бағишланди. Семинар Хивада уч кун давом қилди.

Семинар ўтказиладиган жой тасодифан танлангани йўқ. Илгари Хоразм воҳасида кўчиб юрувчи қумлар тамомила маҳкамланди. Қўчма қумлар ўрнида ҳозир пахта етиштирилмоқда, боғ-роғлар пайдо бўлди.

Кенгаш қатнашчилари Қорақумга чиқиб, қумни мустаҳкамлаш борасидаги энг янги ютуқлар билан танишдилар.

Кенгашда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда қўчма қумларни мустаҳкамлаш борасида катта ишлар ўтказилаётганлиги айтилди. Ўзбекистоннинг ўзидагина Совет ҳокимияти йиллари мобайнида миллион гектардан зиёд қум тепалар дарахтзорга айлантирилди. Саксовулзорлар қумни тўхтатишдан ташқари қоракўл қўйлари боқиладиган яхши ўтлоқларга ҳам айланмоқда.

Кенгаш қатнашчилари ўрмон мелиорация ишларини ўтказиш тажрибаларини якунладилар, ўсимлик ва кимё ёрдамида қумларни комплекс равишда мустаҳкамлаш чораларини белгилаб чиқдилар.

Семинар ишида СССР Министрлар Совети ўрмон хўжалиги Давлат комитети раисининг ўринбосари К. Ф. Кулаков қатнашди.

(ЎзТАГ).

ШОГИРДЛАР УСТОЗ ҲАҚИДА

ЧИНОР УМРИ

Шундай одамлар бўладики, улар умр бўйи халқ бахт-саодати йўлида, она-Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун садоқат билан хизмат қилсам дейди. Шундай ажойиб, саҳий қалб эгаларидан бири Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби К. Е. Житовдир. Олим етмиш ёшга тўлди.

Константин Елампиевич Житов 1804 йилнинг 27 майида Иркутск области Боган қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. У бошланғич маълумотни қишлоқ мактабида олди.

Гражданлар уруши йилларида К. Е. Житов Совет ҳокимиятини тиклаш учун оқ гвардиячиларга қарши курашда фаол қатнашди.

1922 йилнинг февраль ойи. Константин Евлампиевич Ленин партияси сафига қабул қилинди. Қизил профессура институтини тугатгандан сўнг 1928 йилда ВКП(б) Марказий Комитети К. Е. Житовни Тошкентга—Ўрта Осиё Коммунистик университетига ишга йўллайди. Ушандан буён у Ўзбекистонда яшаб, социалистик ва коммунистик қурилишда фаол иштирок этиб келяпти.

Константин Евлампиевич 1929-1932 йилларда Ўрта Осиё Коммунистик университети ва В. И. Ленин номли Ўрта Осиё Давлат университетида СССР тарихи кафедраси мудири бўлиб ишлади. У Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари учун ижтимоий фанлар бўйича ўқитувчи кадрлар тайёрлашга ҳисса қўшди. Айниқса, унинг 1933—1937 йилларда Ўрта Осиё марксизм-ленинизм институтининг тарих кафедраси мудири, сўнгра илмий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган пайтдаги фаолияти диққатга сазовор.

Константин Евлампиевич 1939 — 1941 йилларда ВКП(б) Марказий Комитети қошидаги Маркс, Энгельс, Ленин институти филиали—Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг Компартия тарихи сектори мудири бўлиб ишлади. Айни вақтда у В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетида тарих кафедрасига мудирлик қилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида К. Е. Житов Қизил Армия сафида хизмат қилди. У урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия тарихи институтида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири бўлиб ишлади. 1949—1951 йилларда эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтига директорлик қилди.

К. Е. Житов 1952—1956 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига сайлангач, унинг вице-президенти бўлиб ишлаб турган чоғида республикамизда фаннинг янада юксалиши учун катта ташкилотчилик ишларини олиб борди. У 1956 йилнинг декабридан буён Тошкент Олий партия мактабида КПСС тарихи кафедрасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги К. Е. Житов катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган кўплаб илмий асарлар муаллифидир.

Профессор К. Е. Житов «Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихи очерклари», «Ўрта Осиё коммунистик ташкилотлари тарихи», «Ўзбекистон ССР тарихи» (2-3 томлар), «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Совет ҳокимиятининг ғалабаси», «Ўрта Осиё республикаларида социализм қурилиши тарихий тажрибалари» сингари коллектив ёзилган катта илмий ишларнинг ҳам муаллифларидан биридир.

К. Е. Житовнинг кўп қиррали илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолияти партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак тақдирланди. У икки марта Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва бирқанча медаллар билан мукофотланган.

Р. АМИНОВА,
Ҳ. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари.
Қ. ҲАСАНОВ,
Ғ. РАШИДОВ,
тарих фанлари докторлари, профессорлар.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ АҚШДА БЎЛИШИ

ВАШИНГТОН, 24 май. (ТАСС). СССР Олий Совети делегацияси Вашингтондаги СССР элчихонасида матбуот конференцияси ўтказди.

Делегация бошлиғи, СССР Олий Совети Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев матбуот конференциясида сўзлаган нутқида Совет парламенти аъзоларининг АҚШга қилган биринчи визити, менинг назаримда, иккала мамлакат парламентлари ўртасидаги мунтазам, системали алоқалар йўлини очади, деди.

Бизнинг АҚШга қилган визитимиз, деди Б. Н. Пономарев, Совет—Америка муносабатларининг алоҳида даврида ўтмоқда. Кейинги йилларда олий даражада бўлиб ўтган икки учрашув бу даврга асос солди. Шу учрашувлар Совет—Америка ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш учун яхши негиз яратди. Бу эса ўз навбатида бутун халқаро вазиятга самарали таъсир ўтказди ва ҳозир ҳам ўтказиб турибди, аввало, жаҳон термоядро уруши хавфини камайтирмоқда, уруш йўлига тобора янги-янги мустаҳкам тўсиқлар қўймоқда.

Совет парламентининг аъзолари сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ифодалаб, Совет—Америка муносабатларини ривожлантиришга, Л. И. Брежнев айтганидек, бу муносабатлар стабил ва муқаррар тус олишига астойдил «ўмаклашишни ўз бурчлари деб ҳисоблайдилар. Совет Конституциясига мувофиқ, уруш ва тинчлик проблемалари соҳасида буюк масъулиятни юклатилган Олий Совет қўйидаги мулоҳазаларга асосланиб шу йўлни давом эттирмоқда:

Замонамизнинг энг муҳим проблемаси, уруш ва тинчлик проблемасининг ҳал этилиши Совет — Америка муносабатларининг ҳолатига боғлиқдир. Шу сабабли биз урушнинг олдини олишни кўзлаб, мустаҳкам адолатли тинчликни қуришни кўзлаб мамлакатларимизнинг куч-ғайратларини бирлаштириш тарафдоримиз.

Тинчлик «қўрқув мувозанати» асосига қурилиши мумкин эмас, хавфсизлик мувозанати унинг пойдевори бўлмоғи керак. Тинч-тотув яшаш принциплари эса халқаро муносабатларнинг мустаҳкам нормалари бўлиб қолиши лозим. Бу эса аввало, аралашмаслик, катта ва кичик барча халқларнинг тенг ҳуқуқлиги ва суверенитети принципларини ҳурматлашни тақозо этади. Бу эса барча низоли масалаларни музокаралар йўли билан ҳал этишни тақозо қилади.

Совет Иттифоқи халқларнинг бир-бири билан яқинлашиши тарафдоридир, уларнинг ўзаро танишувини кучайтириш тарафдоридир, сиёсий соҳадагина эмас, шу билан бирга иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳаларда ҳам ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоридир, жамоат йўли билан ва шахсий алоқаларни кенгайтириш тарафдоридир.

Ўз-ўзидан равшанки, деб таъкидлади Б. Н. Пономарев, ҳам корлигимиз инсониятдан бизни ажратиб қўймаслиги, балки бутун инсоният билан бирлаштириши лозим. Биз қандайдир «ўта буюк давлатларнинг кондоминиумига қаршимиз. Дарвоқе «ўта буюк давлатлар» деган тушунчанинг ўзи ҳам бизнинг тушунчамиз эмас, ундан чиқарилмоқчи бўлган маъно эса Совет давлатининг сиёсатига тўғри келмайди. Планетанинг келажаги — истисносиз ҳамма халқларнинг ишидир, шу сабабли келажак уларнинг биргаликда сарф-лайдиган куч-ғайратлари билангина чинакамига таъминланиши мумкин.

Сўнгра делегация раҳбари яна бундай деб таъкидлади: Совет парламентининг аъзолари Вашингтонда ўтказган суҳбатларида кескинликнинг юмшатилиши барча халқлар ва давлатлар учун ижобий натижалар бериши лозимлигини уқтирди. Шу билан бирга кескинликни юмшатиш ва қуролланиш пойраси ёнма-ён йўлдан кетсиз ривожлана бериши мумкин эмас. Сиёсий соҳадаги кескинликни юмшатиш билан бирга ҳарбий соҳадаги кескинликни ҳам юмшатиш зарурлиги ана шундан келиб чиқади. Стратегик қуроляроғларни чеклаш, тенг хавфсизлик принципи асосида чеклаш ва бугина эмас — худди ана шу бирдан-бир мақбул принципга риоя қилган ҳолда стратегик қуроляроғларни чеклаш чораларига ўтиш имкониятини қидириб топиш зарур. Бу эса ҳозир қурол-яроғларга исроф қилинаётган маблағларни анча қисқартириш, шу маблағларни тинч, бунёдкорлик мақсадларига ишлатиш имконини берган бўлур эди.

Жумладан Совет Иттифоқининг БМТ резолюцияларини бажариш асосида Яқин Шарқдаги танглликни бартараф этиш хусусидаги позицияси ҳам баён этиб берилди.

Савдо-сотиқда энг яхши қулайлик яратиб бериш принципи ҳозирги вақтда давлатларнинг ўзаро савдо-сотиқ алоқаларидаги норма эканлиги, аммо бу соҳада АҚШда сиёсий тарздаги сунъий қийинчиликлар ҳам борлиги суҳбатлар давомида таъкидлаб ўтилди.

Қўшма Штатлар билан СССР ўртасидаги ўзаро муносабатларда сиёсат соҳасида мухолифликдан битимлар тузишга ўтилганлигини савдо-сотиқни, фан-техника соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш билан мустаҳкамлаш лозим.

Б. Н. Пономарев айтдики, музокаралар ошкора ва умуман яхши ният характерида ўтди. Эндиликда иккала парламент ўртасида амалий алоқалар ўрнатилди, уларнинг ҳамкорлик қилиш механизми ишга тушириб юборилди.

Совет парламентининг аъзолари СССР Олий Совети номидан жавоб визити билан Совет Иттифоқига делегация юбориш тўғрисидаги таклифномани конгрессга топширдилар.

Б. Н. Пономарев ва Совет делегациясининг аъзолари шундан кейин мухбирларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

ВАШИНГТОН, 24 май. (ТАСС). АҚШ конгрессида СССР Олий Совети делегацияси шарафига қабул маросими ўтказилди.

Қабул маросимида Совет делегациясининг бошлиғи Б. Н. Пономарев, делегация аъзолари, СССР-нинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, Америка томонидан конгресс вакиллар палатасининг спикери К. Альберт, сенатдаги республикачиларнинг раҳбари Х. Скотт, сенаторлардан Д. Спаркмэн, Ч. Перси, Г. Хэмфри ва бошқалар ҳозир бўлишди.

Совет Иттифоқи, деди К. Альберт Совет делегацияси аъзоларига мурожаат қилиб,—буюк ва қудратли давлатдир. Халқингиз катта муваффақиятларга эришди ва шу муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрланади. Биз сизларнинг муваффақиятингизга ҳурмат билан қараб, қойил бўлмоқдамиз.

Иккала мамлакатимиз, деди К. Альберт, мухолифлик даврида музокаралар даврига ўтиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Бу йўлда ҳозиргача кўп нарсага эришилди ва ҳали кўп нарса қилиниши керак.

Мен ўз номимдан ва конгрессдаги ўртоқларим номидан сизларнинг Қўшма Штатларга қилган визитингиз биз учун шонли ва муҳим воқеа эканлигини айтиб ўтмоқчиман. Биз амалий алоқа йўлларини ўрнатдик, бу йўллар келгусида иккала мамлакатимиз халқларига яхши хизмат қилади.

Б. Н. Пономарев К. Альбертнинг гапига жавобан айтдики, СССР Олий Совети делегациясининг Қўшма Штатларга қилган биринчи расмий визити иккала мамлакатнинг парламентлари ўртасидаги мунтазам, системали алоқалар йўлини бошлади. Бу визит Совет — Америка ҳамкорлигини янада кенгайтиришга хизмат қилади, бу эса ўз навбатида бутун халқаро вазиятга самарали таъсир ўтказади.

ВАШИНГТОН, 24 май. (ТАСС). СССР Олий Советининг Б. Н. Пономарев бошчилигидаги делегацияси Вашингтондан Сан-Франциско самолётда учиб кетди.

КАЛИФОРНИЯДА УЧРАШУВ

САН-ФРАНЦИСКО, 25 май. (ТАСС). СССР Олий Совети Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси бу ерга келган эди. Калифорния савдо-саноат доираларининг вакиллари делегация шарафига зиёфат беришди.

Зиёфатда Қўшма Штатлардаги энг йирик «Бэнк оф Америка» банки, «Кайзер Индастриз Корпорейшн», «Бехтел Корпорейшн» компаниялари ва бошқа компанияларнинг раҳбарлари, Калифорния сиёсий ва жамоат доираларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

В. ЖИСКАР Д'ЭСТЕН ПРЕЗИДЕНТ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ПАРИЖ, 24 май. (ТАСС). Конституция кенгаши Валери Жискар д'Эстенни бугун расмий равишда Франция Республикасининг Президенти деб эълон қилди.

Кенгаш раиси Р. Фрэ 19 май куни Францияда бўлиб ўтган президент сайловининг узил-кесил натижаларини эълон қилиб, В. Жискар д'Эстен 13.396.203 овоз олганлигини, бу эса президент бўлиб сайланиш учун зарур бўлган кўпчилик овоз олишини таъминлаганлигини айтди.

Сўл кучларнинг биргаликда кўрсатган номзоди Ф. Миттеран учун 12.971.604 сайловчи овоз берди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ЛОНДОН.** Лейбористлар партиясининг миллий ижроия комитети Англия ҳукуматини Чили хунтасига ҳарбий кемалар етказиб беришни давом эттириш тўғрисидаги қарорини қайта кўриб чиқишга даъват этувчи резолюция қабул қилди.

◆ **ЖЕНЕВА.** Лозаннада жаҳон почта иттифоқи XVII конгрессининг биринчи ишчи мажлиси бўлди. Мажлисда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигиннинг конгрессга йўллаган табрикномаси ўқиб берилди.

◆ **ДЕҲЛИ.** 1973 — 1974 молия йилида Ҳиндистон телефон асбоб-ускуналари давлат корпорацияси 45 миллион рупия миқдоридаги маҳсулотни чет элга сотди. Корпорация корхоналарида ишлаб чиқарилаётган буюмлар жаҳонининг қариб 40 мамлакатида машҳур.

◆ **САН-ХОСЕ.** Бир группа депутатлар Американинг «Стандарт Фрут» компанияси мол-мулкини экспроприация қилиш лойиҳасини Коста-Рика қонун чиқарувчи кенгаши муҳокамасига тақдим этди. Бу лойиҳа «Стандард Фрут» компаниясининг Коста-Рика экономикасини кўпориш сиёсати олиб бораётганлигига қарши тақдим этилди.

Лойиҳада Марказий Америкадаги унчалик катта бўлмаган шу мамлакат экспортидаги асосий маҳсулотлардан бири бўлган банан етиштирувчи кооперативлар ташкил этиш ҳам кўзда тутилади.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ ФЕСТИВАЛИ— ИЖОДИЙ МАКТАБ

Суратда: фестивалда қатнашаётган Қирғизистон, Ҳиндистон ва Того делегациялари аъзолари тошкентлик кино мухлислари даврасида.

А. Тўраев фотоси.

ҚАРДОШЛАР КИНОСИ

Тошкентда зўр муваффақият билан давом этаётган Осиё ва Африка мамлакатлари III Халқаро кинофестивалида Урта Осиё ва Қозоғистон, Закавказье республикалари, шунингдек, РСФСР номидан Свердловск киностудиялари ҳам қатнашиб, энг яхши фильмларини намойиш қилмоқдалар. Бу ҳол йилдан йилга равнақ топаётган миллий республикалар кино санъаткорлари учун ҳам ижодий кўрик бўлади.

Фестиваль ташкилотчиси бўлган Ўзбекистон кинематографчилари «Ўзбекистон дўстлар кўзи билан», «Абу Райҳон Беруний» фильмларини кинофестиваль қатнашчилари эътиборига ҳавола қилдилар.

Садриддин Айний Аҳмад Донишни Бухоро амирлиги зулматида порлаган тонг юлдузи деб таърифлаган эди. Ана шу таърифни «Тожикфильм» санъаткорлари фестивалга олиб келган «Зулмат ичра нур» бадиий фильмининг эпиграфи дейиш мумкин. Режиссёр Абду Раҳимов суратга олган бу тарихий-биографик полотнода ўтган асрда яшаб ижод этган шоир, олим, дипломат Аҳмад Донишнинг ажойиб ҳаётий лавҳалари ҳақида ҳикоя қилинади. Бу санъаткор «Насриддин Хўжандда», «Зумрад», «Ҳаётнинг 12 соати», «Кул остидаги чўғ» каби фильмлари билан кенг томошабинлар оммасига яхши таниш. У конкрет тарихий шахс ҳақида фильм яратар экан, совет кинематографиясининг тарихий-биографик жанрда тўплаган бой тажрибасидан унумли фойдаланади, тарихий теманинг бугунги кунда ёркин чиқишига ва замон ғоялари билан ҳамоҳанг бўлиб янграшига эришади. Ўз замонининг илғор ғояларини кўтариб чиққан, амирлик истибдодига қарши мардонавор курашган, ўзининг ўлмас асарлари билан порлоқ келажакни улуғлаган, улуғ рус халқининг илғор вакиллари билан дўстлик алоқаларини тарғиб этган ёркин бир сиймонинг жўшқин образи экранда яққол намоён бўлади. Аҳмад Донишнинг қиёфаси талантли артист Маҳмуд Воҳидов ижросида ўзининг мукаммал талқинларини топган. Бу санъаткор «Ҳасан аравакаш», «Зумрад», «Судхўрнинг ўлими», «Жўра Саркор», «Рустам ҳақида достон», «Рустам ва Сухроб» каби қатор фильмларда яратган рангба-ранг образлари билан бизга яхши таниш. «Тожикфильм»га шуҳрат келтирган бу асарлар ёнига чуқур фалсафий мазмун билан суғорилган янги фильмнинг қўшилиши диққатга сазовордир. «Тожикфильм» студиясининг бир қатор ҳужжатли ва хроникал фильмлари ҳам фестиваль программасидан муносиб ўрин олган.

Урта Осиёнинг сермаҳсул киностудияларидан бири «Қозоқфильм» бўлиб, бу ерда ҳар йили 4-5 тадан бадиий ва кўплаб ҳужжатли фильмлар ишлаб чиқарилмоқда. 1928 йилдан ўз фаолиятини бошлаган бу санъат даргоҳида «Жамбул», «Омонгелди», «Қиз-йигит», «Азиз докторимиз», «Бўтакўз», «Алдар кўса», «Менинг отим Хўжа», «Она мадҳияси» каби республикадан ташқарида ҳам назарга тушган асарлар яратилди. Қозоқ киночилари кейинги йилларда ҳам талайгина бадиий ва ҳужжатли лента-ларни суратга олиб, кўриқ ерлар очиб жасорат кўрсатаётган қаҳрамонларнинг матсатини, бой фольклорга эга бўлган халқнинг севимли образларини, ўтмишнинг илғор арбоблари қиёфаларини экранда гавдалантирдилар. Тошкент Халқаро кинофестивалига қозоқ санъаткорлари «Кўкёл» деган бадиий фильм олиб келишди. Асар сценарийсини А. Михалков—Кончаловский, Э. Тропинин Мухтор Авезовнинг шу номли ҳикояси асосида ёзганлар. Постановкачи-режиссер Толомуш Океев. Фильм воқеалари Октябрь революциясидан олдин юз беради. Курмаш деган кичкинагина чўлиқ боланинг оғир ҳаёти, шу билан бирга унинг довюраклиги, жасорати, сабр-қаноати ниҳоятда моҳирона суратга олинган. Қозоқ даштларининг ўзига хос манзараси кадрлар фонида яққол акс этади. Кўп қаттиқчиликлар кўриб, улғайиб бораётган боланинг ёқимли образини ёш актёр Қамбар Валиев ижро этади. Жоҳил ва баджаҳл чўпон Аҳанқул ролини кўпгина бақувват образлар яратиб, шуҳрат қозонган артист Суйменқул Чўқморов ўйнаган.

Туркман киноси ўз традициялари, ривожланиш босқичлари ва шуҳратли фильмларига эга. 1926 йилда яратилган «Оқ олтин» фильми янги ҳаёт нишоналарини, коллёктивлаштириш ҳаракатини ҳикоя қилувчи реалистик лента эди. «Дурсун», «Мен қайтаман», «Чўпон ўғли», «Аширчолнинг найранглари», «Оила номуси», «Узоқдаги ёр», «Махсус топшириқ», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Даш қалъа воқеаси» каби рангба-ранг фильмларда туркман халқи ҳаётининг турли-туман жиҳатлари ҳархил жанрларда тасвир этилган. Б. Мансуровнинг «Айтишув» деб аталган бадиий асари зулм-истибдодга қарши халқ исёнини кўрсатувчи, янги бадиий воситалар излашнинг самарадорлигини яққол намойиш қилган ажойиб асар сифатида кўпгина фестивалларнинг совринларини олган. Шунингдек, «Ташналикнинг қондирилиши», «Ёнаётган арава йўли», «Маҳтумқули» сингари асарлар ҳам кўпмиллионли тамошабинлар эътиборини қозонган. «Туркменфильм» киностудиялари республикада рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни, фидокор меҳнаткашларнинг жасоратларини нурли лента-ларга муҳрлаб бормоқдалар.

III Халқаро Тошкент фестивалига туркман киночилари янги асарлари — «Мақом сирлари» бадиий фильмини олиб келишган. Бу асарда туркман халқи орасидан етишиб чиққан талантли бахшиларнинг революциядан аввалги қисмати, хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлиги тарихий воқеалар фонида акс эттирилади. Туркман киноси ва театрининг ветерани Олти Корлиев режиссерлик қилган бу лентада туркманлар ҳаёти, этнографияси, фольклорига оид қизиқарли лавҳалар бор. Синфий кураш лавҳалари билан чатишиб кетган ишқий эпизодлар ва халқ музиқа хазинасининг сарчашмасини очиб берувчи кўринишлар томошабинда яхши таассуротлар қолдиради.

Қирғиз кинематографияси айниқса кейинги йилларда бир гуруҳ талантли ёш режиссерларнинг кино санъати оламига кириб келиши муносабати билан ривожланишнинг янги босқичига чиқди. Бу-лар орасида Таламуш Океев, Бўлат Шамшиевлар ўзларининг довруқли фильмлари билан ажралиб турадилар.

«Қирғизфильм» студиясида яратилган «Жўра», «Пистирма», «Жазирама», «Биринчи ўқитувчи», «Момо ер», каби қатор фильмлар томошабинлар даврасида машҳурдир.

Қирғиз кинематографчилари Тошкент фестивалига бир қатор ҳужжатли ва бадиий фильмлар олиб келдилар.

Тошкент фестивалида қатнашаётган Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон кинематографчилари ўзларининг ранг-баранг фильмлари билан икки қитъа экранини ҳам мазмунан, ҳам шаклан бойитиб, кўпмиллатли совет санъати ютуқлари доврўғини жаҳонга ёймоқдалар.

М. ЯҲЁЕВ,
киношунос.

ЖУРНАЛНИНГ МАХСУС СОНИ

«Советский экран» журналининг шу йилги 10-сони Тошкент Халқаро кинофестивали қатнашчилари қўлига келиб етди. Журналнинг бу махсус сони Осиё ва Африка мамлакатлари III Халқаро Тошкент кинофестивалига бағишланган. Унда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, фестиваль ташкилот комитети раиси Раъно Абдуллаеванинг «Тинчлик ва халқлар озодлиги учун!» сарлавҳали катта мақоласи босилган. Муаллиф 1968 йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро кинофестивалининг мақсад ва шиори, аҳамияти, икки буюк қитъа кино санъатининг ривожланиш тенденциялари ҳақида батафсил ёзади. Фестиваль эмблемаси билан берилган қатор материалларда «Қозоқфильм», «Туркменфильм», «Грузияфильм», студияларнинг янги асарлари, уларнинг ижодкорлари ҳақида қизиқарли лавҳа, хабар ва мақолаларни ўқиш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон кино санъати ҳақидаги ранг-баранг материаллар мароқлидир. Журналнинг рангли муқовасида қарғашойи кўйлаги, кўркам бўйнидаги маржони ва очиқ чеҳрасидаги табассуми ўзига ярашиб тушган ўзбек қизининг сурати берилган. Бу истеъдодли ўзбек киноактрисаси Дилором Қамбарова бўлиб, у ҳақдаги каттагина мақола ва суратлар журналдан жой олган. Мақола муаллифи, режиссёр Али Ҳамроев ёш актрисанинг ижоди ҳақида ҳикоя қилади.

Яна журналда Осиё ва Африка мамлакатлари кинематографиясига оид фоторепортажларни ўқиш мумкин.

ҚАДРДОН ШАҲАР

Шамим АРА,
продюссер, актриса, Покистон.

— Тошкент — мен учун қадрдон шаҳар. Мен бу тинчлик ва дўстлик шаҳрида иккинчи бор бўлишим. Халқаро кинофестивалнинг дастлабкисида ўзимнинг «Сайха» фильмим билан қатнашган эдим. Ушанда бу фильмим кинофестиваль совринига сазовор бўлган эди. Мен Тошкентдан қайтгач, бу мукофотни ўзимга берилган қарз деб билдим ва навбатдаги Тошкент фестивалига тнимай тайёрландим. Тайёрланиш жараёнида Тошкентдан олган таассуротларим дастуруламол бўлди.

Кеча мендан бир кино мухлиси ўзингиз севган роль борми, деб сўради. Мен унга, ҳеч қачон актёр ўз ролидан кўнглим тўлди демайди, дедим. У, «Сайха» фильмингизда яхши ўйнаган эксансиз. Бизларга жуда ҳам маъқул бўлди, деди. Шунда мен агар ўша ролим сизга ёққан бўлса, демак, Сайха менинг энг севган ролим дедим.

Менинг кўп вақтдан бери бир ният қўймай келади: СССР—Покистон ҳамкорлигида яратиладиган фильмда роль ижро этсам дейман.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

УСТОЗЛАРИМ

Мринал СЕН,
режиссёр, Ҳиндистон.

— Ҳиндистон миллий кинематографиясининг тўғилиши 1913 йилга тўғри келади. Ўша йили режиссёр Д. Фалкнинг «Ража Харисчандра» фильми экранларда пайдо бўлган эди. Ҳинд киноси кейинги йигирма йилда жаҳон экранларига чиқа олди. Бу Сатажит Рей ва Хўжа Аҳмад Аббоснинг хизмати эди. Шунинг учун ҳам биз уларни ҳақли равишда кино санъатимизнинг дурдоналари деймиз.

Ҳозир мамлакатимизда 61 киностудия ва 39 кинофабрика мавжуд. Мамлакатимиз ҳозир кинофильмлар ишлаб чиқариш бўйича Япония ва АҚШни орта қолдириб, дунёда биринчи ўринда туради.

Осиё ва Африка мамлакатларининг III Халқаро кинофестивалида ўз асарим билан қатнашаётганимдан беҳад хурсандман. Мен икки буюк қитъанинг бу катта анжуманига «Суҳбатлашиш» бадиий фильмини олиб келдим.

Жаҳон кино экранларида бизнинг картиналаримиз муваффақиятли қўйилиб келиняпти. Шубҳасиз, бунда Совет киносанъатининг таъсири улкандир. Совет фильмларини хазина дейиш мумкин. Нега-ки, бу хазинадан истаганча ўрганиш, фойдаланиш мумкин. Мен Эйзенштейн ва Пудовкинларни ўзимга устоз деб биламан. Уларнинг асарлари мен учун ҳамиша ижодий мактаб бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

● КИЕВ

Геологлар Запорожье области билан Днепропетровск областининг чегарасидаги Славгород посёлкаси ёнида вермикулит минералининг саноат запасларини топдилар.

Бу минералнинг ажойиб бир хоссаси бор — қизитганингизда ҳажмини кўп марта оширади. Металлурглар ундан эритилган металлар иссиқлик изолюцияси учун иссиқликка бардош берувчи қоплама сифатида фойдаланадилар, бинокорлар эса енгил ва арзон товуш ютувчи материал сифатида ишлатадилар.

● ФРУНЗЕ

Фрунзедаги «Киргиззлектродвигатель» заводининг янги ишлаб чиқариш корпусида двигатель статори юракчасига сим ўрайдиган станок ишлай бошлади. ГДРдан юборилган автомат агрегатлар шу операцияда меҳнат унумдорлигини ўн баравар оширди. Энди статор деталларини ишлаш ва йиғиш жараёнларининг ҳаммаси механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди. Маҳсулотнинг сифати кескин ошди.

ГДРда ясалган бошқа бир ускуна ҳам мукаммал двигателлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда заводга ёрдам беради. Программа усулида бошқариладиган агрегат станоклар, автомат линиялар қўл меҳнатини тугатади, ишлаб чиқариш маданиятини оширади.

Йил охиригача завод икки юз мингтага яқин, яъни ўтган йилгидан анча кўп двигатель ишлаб чиқаради.

● ОЛМАОТА

Қозоғистон жанубининг жуда катта ярим чўл районлари илмий гидрологик полигон бўлиб қолди. Бу ерда сув баланси станциялари тармоқлари яратилди, 250 дан ошиқ кузатув қудуқлари парма-ланди. Уларнинг ёрдами билан тупроқда намлик обороти тадқиқ этилмоқда, юза сув билан сизот сувнинг ўзаро таъсир хусусиятлари ўрганиб чиқилмоқда.

Олимлар бу ерда Жанубий Қозоғистон юза сувларининг ресурсларини баҳолаш учун зарур материаллар олишни мўлжаллаяптилар. Тадқиқот натижалари одамнинг хўжалик фаолияти таъсирида юза сув режими ва баланси ўзгаришларини, шунингдек намлик айланишини прогноз қилишга имкон беради.

Келажакда Сибирдаги катта дарёлар сувининг бир қисмини Орол ва Каспий денгизлари ҳавзасига оқизиш мўлжалланаётгани муносабати билан бундай прогноз алоҳида аҳамият касб этади. Сибирь сувн Қозоғистон ва Урта Осиё республикалари территориясидаги қуруқ қуруқ даштларда неча ўн миллион гектар ерни суғоради. Юза сув ва сизот сувнинг ўзаро таъсир процессларини чуқур билиш суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш учун Сибирь сувидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга ёрдам беради.

Рихситилла Каримович ШОНЕЪМАТОВ

ССРнинг Бирлашган Танзания Республикасидаги элчихонасининг маслаҳатчиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ бўлим мудири, Тошкент шаҳар партия комитетининг собиқ секретари Р. К. Шонеъматов хизмат вазифасини бажариб турган бир вақтда автомобиль ҳалокати натижасида фожиали ҳалок бўлди.

Партия ва халқнинг содиқ фарзандини, ҳормас-толмас меҳнатчини, партия ва Совет ҳукумати ички ва ташқи сиёсатининг актив пропагандистини ўлим орамиздан юлиб олди.

Рихситилла Каримович Шонеъматов 1923 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини Совет Армияси сафларида хизмат қилишдан бошлаб, Улуғ Ватан урушида иштирок қилди. 1949 йилда Тошкент юридик институтини тамомлаб чиқди. 1945 йилдан 1956 йилгача Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлигида ишлади. 1958 йилда СССР Ташқи ишлар министрлигининг олий дипломатия мактабини тамомлаб чиқди ва СССРнинг Покистондаги элчихонасига ишга юборилди.

1962 йилда Р. К. Шонеъматов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратига масъул ишга кўтарилди ва аввал сектор мудири, бўлим мудирининг ўринбосари, 1966 йилдан 1970 йилгача эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ахборот ва чет эллар билан алоқа бўлимининг мудири бўлиб ишлади.

1970 йилда Р. К. Шонеъматов Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари қилиб сайланади. 1973 йилнинг май ойида яна дипломатия ишига— СССРнинг Бирлашган Танзания Республикадаги элчихонасининг маслаҳатчиси этиб юборилади.

Партия Рихситилла Каримович Шонеъматовни қаерга юборса, у шу ерда ўзининг бутун куч ва билимини топширилган ишни адо этишга сарф этди, моҳир раҳбар, принципиал ва саботли ходим эканлигини кўрсатди. У меҳнатсеварлик, камтарлик ва ҳалоллик намуналарини кўрсатди, муносиб обрў-эътибор қозонди, Р. К. Шонеъматов республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашди. VII Чақириқ Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати қилиб сайланди. У Қизил Юлдуз, «Ҳурмат белгиси» орденлари ва СССР медаллари билан мукофотланди.

Камтар, меҳнаткаш, ҳалол ва принципиал ходим, актив коммунист Рихситилла Каримович Шонеъматовнинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, В. Г. Ломоносов, И. Г. Анисимкин, И. Р. Қурбонов, О. У. Салимов, М. М. Мусахонов, Г. М. Орлов, А. А. Ҳўжаев, М. Т. Турсунов, Г. А. Аваков, В. В. Барабаш, У. А. Рустамов, Т. У. Умаров, Х. Е. Еқубжонова.

АФРИКА КУНИ ШАРАФИГА

25 май куни Тошкентда Африка озодлиги кунига ҳамда Африка жанубидаги ва Португалия мустамлакаларидаги халқларнинг ўз озодлиги учун кураши билан бирдамлик ҳафтасига бағишланиб жамоатчилик йиғилиши ўтказилди. Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасининг залига кўпдан-кўп меҳмонлар — Осиё ва Африка мамлакатлари учинчи Халқаро кинофестивалининг қатнашчилари, Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган чет эллик студентларнинг вакиллари келишди.

Йиғилишда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Ўзбекистон республика комитетининг раиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Т. А. Сарымсоқов доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ё. Ҳ. Тўрақулов, Сенегалдан халқаро кинофестивалга меҳмон бўлиб келган ёзувчи ва режиссёр Полен Виейра, Юқори Волтадан келиб Тошкент қишлоқ хўжалик институтида ўқиётган студент Кулебали Мамаду, «Узбексельмаш» заводининг фрезерчиси А. Сотиболдиев йиғилишда нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

Чорвачилик—зарбдор фронт

ВАЪДА ТАРОЗИ БОСМАЙДИ

Жомбой районидаги 2-«Жомбой» совхози гўшт ва сут етиштиришга ихтисослаштирилган. Хўжаликнинг озуқабоп экинлар майдонлари, чорвачилик комплексининг ўрни бир вақтлар қамишзор чўл эди. Кейинги ўн йил ичида молхоналар қурилди, янги типда уй-жойлар қад кўтарди. Клуб, кутубхоналар, маданий-оқартув муассасалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Саккизинчи беш йиллик давомида совхоз райондаги энг кўп гўшт етиштирадиган хўжаликка айланди. Эндиликда сут етиштириш ҳам кенг йўлга қўйилди. Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи — ҳал қилувчи йилида гўшт ва сут етиштириш план-топшириқлари анча ошириб бажарилди. Ҳар бош сигирдан 2700 килограммдан сут соғиб олинди. Бир центнер гўшт етиштириш пландаги 150 сўм ўрнига 133 сўмга келтирилди. Шунинг ўзидан салкам ярим миллион сўм даромад қилинди. Совхозга В. Фатин кўп йиллардан буён директорлик қилади. Р. Айрипетов совхоз ташкил этилгандан буён зоотехник бўлиб ишлайди, ҳар иккиси олий маълумотли мутахассис, ишнинг кўзини биладиган раҳбар.

— Хўжалигимиз чорвадорлари, — дейди Руслан Айрипетов, — юбилей йилида юксак марраларни кўзлаб иш қилмоқдалар. Йилнинг маҳсулот тайёрлаш даслабки уч ойлик плани ошиғи билан адо этилди, 1510 центнер ўрнига 4352 центнер гўшт топширилди. Ҳар бош сигирдан 777 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинди.

Афсуски, райондаги кўпчилик хўжаликларда чорванинг фойдасидан зарари ошиб кетяпти. 2- «Жомбой» совхози билан бир хил шароитдаги 1- «Жомбой» ва Улуғбек номли совхозларда гўштга топширилаётган қорамоллар яхши боқилмаётир, тирик вазни белгиланганидан кам. Кўпинча ориқ моллар ҳам гўштга топшириб юборилмоқда. Маҳсулот етиштириш саноат негизида ташкил қилинмаётир. Молбоқарлар, сигир соғувчилар орасида социалистик мусобақа йўлга қўйилмаган.

Кўп меҳнат ва маблағ сарфланиши туфайли маҳсулот таннархи ошиб кетяпти. Чунончи, 1- «Жомбой» совхози ўтган йили гўшт етиштиришдан 23 минг сўм, сутдан 6 минг сўмдан зиёд зарар кўрди. Райондаги «Партия XXII съезди», «Ленин йўли», «Ленинобод», Пушкин номли, колхозларда аҳвол бундан ҳам ёмон. Пушкин номли колхоз (раиси И. Ўроқов, партия ташкилотининг секретари О. Эгамбердиев ўртоқлар) ўтган йили чорвачиликдан 47 минг сўм зарар кўриб, пахтадан келган даромаднинг бир қисмини зарарнинг ўрнини қоплашга сарфлади. Шу нарса ачинарлики, район колхозларининг 1973 йили чорвачиликдан кўрган зарари 323 минг сўмни ташкил этди.

Нима учун фойдадан зарар кўп бўляпти? Бунга сабаб, аксарият колхозларда чорва молларнинг зоти паст, фермаларда маҳсулдор сигирлар кам, бунинг устига соғин сигирлар сони камайтириб юборилмоқда. Моллар тўйимли озуқа билан боқилмайди, сигирнинг сути елинида эмас, емишида деган нақлга амал қилинмайди. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ҳақида кўп гапирияпти-ю, натижа кўнгилдагидек бўлмаяпти. Район партия комитети, район ижроия комитети чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга малакали раҳбарлик қилмаяпти.

Район колхозлари, совхозлари бу йил гўшт, сут, тухум етиштиришни юқсак мажбурият қабул қилганлар. Лекин, мажбуриятларнинг бажарилиши қониқарсиз аҳволда. Шу йилнинг 1-кварталида район бўйича давлатга ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 760 центнер кам гўшт ва 879 центнер кам сут топширилди. «Ленин йўли», «Ленинобод», Пушкин номли, Калинин номли колхозларда сут сотиш квартал планининг бажарилиши бундан ҳам ёмон. Жданов номли колхоз квартал планини 76 процент бажарди, холос. Лекин колхоз раиси У. Алланазаров, партия ташкилотининг секретари Х. Турдиев ўртоқлар бундай ачинарли аҳволдан сира ташвишланаётганлари йўқ. Калинин номли колхозда сут етиштириш районнинг ўртача кўрсаткичидан анча паст. Колхозда ўтган йили биринчи кварталда ҳар бош сигирдан 210 килограммдан сут соғиб олинган эди. Бу йил сут миқдори янада камайиб кетди.

— Соғин сигирлар нега кам? — сўрадик партия ташкилотининг секретари Жумабой Олимовдан.

— Кейинчалик кўпаяди, — деди у бепарволик билан.

Маълум бўлишича, кўпгина сигир ориқ, сутдан қолган. Бунга колхоз зоотехниги Зиёдулла Очилов яхши эътибор бермаган. Хўжаликда гўшт етиштириш ҳам ачинарли аҳволда. Кўзда тутилган 110 центнер ўрнига энди 2 центнер гўшт тайёрланди. Ваҳолонки, 1973 йил биринчи кварталида давлатга 137 центнер гўшт сотилган эди.

Районда тухум тайёрлаш ҳам суст бораяпти. Жданов номли ва Пушкин номли колхозларда квартал плани 50 процент ҳам бажарилмади.

Район хўжаликларида озуқа цехлари қуриш, хлорелладан фойдаланиш ҳақида кўп гаплар айтилади, тадбирлар белгиланади. Чорва комплекслари қуришни тезлатиш, фермаларни тажрибали кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан тадбирлар белгиланиб, қарорлар қабул қилинади. Лекин, улар қоғозда қолиб кетмоқда. 2- «Жомбой» совхозини мустасно қилганда, бошқа хўжаликларда тузукроқ чорва биноси йўқ.

2- «Жомбой» совхози районда тайёрланаётган гўштнинг ярмини етказиб бермоқда. Бу чорвага алоҳида эътибор берилаётгани натижасидир. Демак, ҳамма гап намунали чорва бинолари қуриш, оғир ишларни механизациялаш, озуқа базаси яратиш, фермаларни малакали кадрлар билан мустаҳкамлашга боғлиқ. Ана шундай қилинганда гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш кўпаяверади.

Афсуски, Жомбой районида бунга риоя қилинмаяпти. Самарқанд область партия ва совет ташкилотлари бу районда юз берган ачинарли аҳволни тугатиш чораларини кўрадилар, деган умиддамиз.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛ

ТАРАҚҚИЁТ КЎЗГУСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДАН РЕПОРТАЖ

Ер юзидаги қуруқликнинг олтидан бир қисмини эгаллаб турган Совет Иттифоқи эндиликда жаҳон саноати ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг бешдан бир қисмини бермоқда. Ўзбекистон қисқа вақт ичида ана шундай беқиёс юксалиш йўлини босиб ўтган биринчи социалистик мамлакатга бирлашган тенг ҳуқуқли ўн беш республиканинг бири эканлиги билан, республикамиз улуғ Ленин даҳоси, Коммунистик партия раҳномолигида шу қардошлик оиласида коммунизм сари олға қадам ташлаётганлигидан фахрланамиз.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида республикамизнинг ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишлаб янгиланган ва тўлдирилган экспонатлар, экспозициялар, макетларни томоша қилар экансиз, фахрланиш, ўлкамиз ютуқларидан ғурурланиш туйғулари айниқса жўш уриб кетади.

Виставка залига киришингиз билан ўнг қўлда эски кетмон ва ўроққа кўзингиз тушади. Бу ўзбек деҳқонларининг ўтмишдаги иш қуроли. Узоқ асрлардагина эмас, бундан 50 йил муқаддам ҳам шу кетмон ва ўроқ омоч асосий иш қуроли эди. Социализм қурилишини ана шундай асбоблар билан бошлаганмиз. Ўроқ ва кетмондан замонавий тракторларгача, омоч ва бўйинтуруқдан дунёда энг яхши деб тан олинган теким машиналаригача — деҳқон қўлидаги иш қуролининг бу эволюцияси ҳам мислсиз тараққиётдан ҳикоя қилади.

Саноат соҳасидаги республикамизнинг муваффақиятлари айниқса катта ва улуғвор. Республика саноатининг хилма-хил маҳсулотлари кўргазма павильонларини тўлдириб, майдонларга ҳам чиққан. Илгари, революциядан олдин ҳатто михни ҳам четдан келтирган бу ўлка социалистик индустрлаштириш, янги саноат корхоналарини қуриш натижасида саноатнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган юздан ортиқ тармоғига эга бўлди. Эндиликда Ўзбекистон пахтачилик учун машина ва механизмлар ишлаб чиқаришда мамлакатимизда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлари барча пахтакор республикаларни сеялкалардан тортиб терим машиналаригача бўлган замонавий механизмлар билан таъминламоқда.

Томошабинлар «Андижаннефть» бошқармасига қарашли автоматлаштирилган участка макети олдида узоқ тўхтаб қоладилар. Бу макет нефть қазиб чиқарувчиларнинг ва олимларнинг самарали ишлари ҳақида ҳикоя қилади. Бир оператор бутун бир участкада қудуқлардан нефть чиқарилишини кузатиб бошқариб туради. Бу ларнинг ҳаммаси социалистик тузум туфайли қўлга киритган ютуқларимиздир. Совет ҳокимияти йилларида нефть чиқариш юз баравар кўпайди. Тўққизинчи беш йилликнинг ўзида нефть қазиб чиқариш 33,1 процент ортади.

Виставкадаги экспонатлар республикамиз экономикасининг дадил суръатлар билан ривожланаётганлигини мисоллар асосида ҳикоя қилади. Бу ерга қўйилган маҳсулотларнинг намуналари, янги приборлар, механизмлар ошмасинг ижодкорлиги, ташаббускорлиги, техника тараққиётининг омили бўлаётганлигидан далолат бериб турибди. Ана шу ютуқларни республикамиз меҳнаткашлари ўз қўллари билан яратмоқдалар, ана шундай замонавий машиналарни барпо этмоқдалар.

Айниқса асбобсозлик ва химия саноати ютуқлари кўргазмага келувчиларни ҳайратга солади. 1940 йилгача республикамизда электротехника саноати йўқ эди. Ҳозир эса 20 та электротехника ва асбобсозлик заводи мавжуд. Бу корхоналарда халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланиладиган хилма-хил замонавий приборлар яратилмоқда. Ана шу прибор ва асбобларнинг намуналарини кўргазмага ташриф буюрган ҳар бир киши ўз кўзи билан кўриб, унинг юксак сифатига, технік кўрсаткичларига тан беради. Химия саноати эса қишлоқ хўжалиги учун хилма-хил химиявий ўғитлардан тортиб сунъий толаларгача ишлаб чиқармоқда. Республикамизда катта газ конларининг очилганлиги, ўлкан газ қувурларининг барпо этилганлиги химия саноатини жадал ривожлантириш учун асос бўлди.

«Уй-жой қурилиши доимо партиянинг диққат-марказида турибди, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга, Совет Иттифоқи гражданларига Мурожаатида. — Қурилаётган квартираларнинг миқдори жиҳатидан жаҳонда бизнинг мамлакатимизга тенг келадиган мамлакат йўқ». Кўргазма экспонатлари ҳам партиямизнинг ана шу катта ғамхўрлиги ҳақида ҳикоя қилади. 50 йил ичида республикамизда 70 миллион квадрат метр уй-жой қурилди. 32 та янги социалистик шаҳар қад кўтарди. Ҳозирги вақтда республикамизда 50 та лойиҳа институти ва юздан ортиқ қурилиш трестлари иш олиб бормоқда. Виставка залининг ўртасига қўйилган макетлар республика пойтахти Тошкент шаҳрининг ҳозирги куни ва келажаги ҳақида ҳикоя қилади. Унда шаҳар марказида қад кўтараётган ва янгидан қуриладиган иморатлар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон қурувчиларининг ишлари шулар билангина чегараланмайди. Улар ўлкан саноат корхоналарини барпо этмоқдалар. Мирзачўл ва Қарши даштларини ўзлаштириб, янги посёлкалар қурмоқдалар. Қишлоқлар қиёфасини ҳам тубдан ўзгартирмоқдалар.

Хуллас, кўргазмадаги ҳар бир буюм, ҳар бир экспонат республикамиз меҳнаткашларининг зафарлари ҳақида ҳикоя қилади. Кўргазма бу ерга келувчиларда қандай таассурот қолдираётганини махсус дафтарга қайд этилган ёзувлардан ҳам билиб олиш мумкин.

«Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси жаҳондаги барча коммунистлар ва тинчликсевар кучларнинг қалбига қувонч бағишлайди. У КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанасини кўрсатиб турибди. Социалистик республикангизни ривожлантиришда сизларга янги муваффақиятлар тилайман.

Этель КЛИНГЕР,
Исроил Компартияси матбуоти вакили».

«Кўргазма экспонатлари билан танишиш республиканинг 50 йил ичида ўсиш даражасини кўрсатади. Қисқа вақт ичида саноат, фан ва санъатнинг мислсиз даражада ўсганлиги бизни ҳайратга солди.

Доктор Зденек КРЕЧЕ,
инженер Мусли ИРЖИ,
ЧССР».

«Кўргазмага келган ҳар бир киши Ўрта Осиёдаги бу гўзал республика — Ўзбекистонда ҳозир нималики мавжуд бўлса, ҳаммасини билиб олади.

Ютака ХОРИЭ,
Япония».

Бундай мулоҳазаларни кўплаб ўқиш мумкин.

Лекин кўргазманинг фаолияти фақат шундангина иборат эмас. Бу ерда илғор тажриба мактаби машғулотлари ўтказилади. Семинарлар, симпозиумлар, конференциялар ташкил этилади. Кўргазма дирекцияси шу йилнинг ёзида гўшт, уй саноати министрлиги билан биргаликда совутиш ускуналари машинистлари малакасини ошириш юзасидан семинар ўтказди. Республика Маориф министрлиги билан биргаликда ёшларни ватанпарварлик, интернационализм руҳида тарбиялашга бағишланган республика семинари бўлиб ўтди. Кўргазма ҳузуридаги кинолекторий мунтазам ишлаб турибди. Ёр ерда республика экономикаси, фани ва маданиятини ривожлантиришдаги ютуқлари ҳақидаги фильмлар намойиш қилинмоқда. Бундан ташқари тематик кўргазмалар, фотовиставкалар ташкил этилмоқда. Уларда айрим саноат корхоналари, колхозлар ва илмий-текшириш институтларининг ютуқлари батафсил намойиш этилаётир.

Бу ерда юбилейга бағишлаб республика ишлари ўтказилмоқда. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда «Пахтанинг перспектив навлари», «Ёшларнинг илмий-техника ижодкорлиги-74» каби тематик виставкалар ташкил этилади.

Кўргазмада меҳнат қилаётган аҳли коллектив уни республикамиз ютуқлари кўзгусига айлантиришга, 50 йил ичида Ўзбекистон меҳнаткашларининг фан-техника, экономика ва маданиятни ривожлантиришда эришган мислсиз ғалабаларини кенг ва ёркин намойиш этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

Суратларда: кўргазма экспонатлари.

А. Тўраев фотолари.

---

27 МАЙДА ТОШКЕНТДА СЕЙСМОЛОГИЯ ВА ЕР БАҒРИ ФИЗИКАСИ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИНИНГ СИМПОЗИУМИ ОЧИЛАДИ

ЗИЛЗИЛА ДАРАКЧИЛАРИ

Ҳар йили ер қуррасида юзга яқин кучли ер силкинишлари содир бўлиб туради. Планетада энг кучли зилзилалар Япония ва СССРда юз беради. Офатнинг бошланиш пайтини олдиндан аниқлашнинг ишончли усуллари ҳали тўла ишлаб чиқилмаган. Чунки тебранишлар 700 километр чуқурликда ҳосил бўлади. Ҳозирги вақтда ер юзида ўрнатилган қудуқларнинг чуқурлиги 10 километрдан ошмайди.

1966 йилнинг апрель ойида содир бўлган Тошкент зилзиласи ҳамон ёдимизда. Кўплаб силкинишларни тадқиқ этиш зилзила даракчиларини чуқур ўрганишга хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам сейсмологияда прогноз масаласи муаммо бўлиб турибди.

Шу йил 27 майдан 3 июнгача Тошкентда Сейсмология ва ер бағри физикаси халқаро ассоциациясининг зилзила даракчиларини ўрганишга бағишланган симпозиуми бўлиб ўтади. Бу йирик анжуманда 50 дан ортиқ илмий доклад ва ахборот тингланади. Симпозиумга планетамиздаги беш қитъа сейсмологлари тўпланишади.

Тошкент симпозиуми фан оламида йирик воқеа ҳисобланади. Зилзилани прогноз қилиш муаммоси табиий фанларнинг энг мураккаб проблемаларидан биридир. Бу йўналишдаги тадқиқотларнинг бошланганига унча кўп вақт бўлгани йўқ.

Шуни таъкидлаш керакки, фақат Совет Иттифоқи территориясида 30 миллиондан зиёд киши сейсмоактив районларда яшайди. Шунинг учун ҳам қаерда ва қачон, айниқса, қайси вақтда навбатдаги ер силкиниши содир бўлишини олдиндан айтиб бериш катта амалий аҳамиятга эга.

Муаммонинг биринчи қисмини ҳал этишда сейсмик районлаштириш ва микрорайонлаштириш карталари тузилади. Сейсмоактив районларда қурилиш ишлари олиб боришнинг норма ва қоидалари ишлаб чиқилади.

Жойларни, у ёки бу райондаги ер силкинишларининг максимал кучини прогноз қилиш борасида бирмунча ютуқларга эришилди. Яқин-яқинларгача зилзиланинг пайдо бўлиш вақтини прогноз қилиш муаммоси барча мамлакатлар олимлари учун амалий жиҳатдан ҳал этиб бўлмайдиган масаладек туюларди. Эндиликда замонавий сейсмик ва бошқа геофизик аппаратлар, электрон-ҳисоблаш техникаси, унинг ёрдамида маълумотларни олиш ва қайта ишлаш усулларининг яратилиши туфайли яхши натижалар қўлга киритиляпти.

Кучли зилзиланинг қуввати миллиард киловаттга яқин. Шунинг учун ҳам бундай энергиянинг ер қобиғида тўпланиш жараёнини замонавий геофизик аппаратуралар ёрдамида илғаб олиш, шубҳасиздир.

Кейинги йилларда Совет Иттифоқида, Япония ва АҚШда олиб борилган тадқиқотлар айрим ер тебранишларининг пайдо бўлиш жараёни ҳақида огоҳлантирувчи бир қатор белгиларни аниқлаш имконини берди.

Айни вақтда шуни айтиб ўтиш керакки, аниқланган зилзила даракчилари ҳар доим ҳам тўғри прогноз бўлиб хизмат қилолмайди. Аниқланган белгиларнинг ишончлилик даражасини белгилаш, зилзиланинг бошқа даракчиларини қидириш каби бир қатор масалалар 27 майда Тошкентда очиладиган сейсмологларнинг халқаро симпозиуми кун тартибидан ўрин олади.

А. ҲАСАНОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — **«Светофор»**. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10— **«Будильник»**. 11.40 — Мультфильмлар. 12.10 — Адабий кўрсатув. 12.50 — Телеочерк. 13.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 14.00 — Мусиқа жавони. 14.30 — Ўқувчилар учун кўрсатуви. 15.30 — Қишлоқ янгиликлари. 16.30 — ТОШКЕНТ. 16.35 — Қўғирчоқ фильм. 16.55 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 17.25 — Бугун — химиклар куни. 17.40 — Рақс оламида. Азим Азизов. 18.15 — **«Ахборот»**. 18.30 — **Экран ҳандаси**. 19.10 — Халқаро панорама (Москва). 19.40 — Мушоира этади давом. 20.10 — Пиллакорларнинг меҳнат рапортлари. 20.20 — Концерт. 20.45 — **«Ахборот»**. 21.05 — Осиё ва Африка мамлакатлари III Тошкент халқарро кинофестивали кундалиги. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — **Увайсий** (музикали лавҳа). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 15.15 — Спорт кўрсатуви. 16.30 — МОСКВА. **Очилган қўриқ** (бадиий фильм). 18.10 — Бугун — химиклар куни. 18.25 — Концерт. 18.10 — Здоровье» (Тошкент). 19.40 — **Киносаёҳатчилар клуби**. 20.40 — **Нетуш хоним** (оперетта). 22.00 — Ҳужжатли фильмлар экрани (Тошкент). 22.30 — Сизнинг фикрингиз. 23.30 — Спорт программаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.10 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қизил бодрезак — «МИР», С. РАҲИМОВ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Мен чегарада хизмат қиламан — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Пан Воннинг тўйи — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ёрда ҳаёт бўлсин деб — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

САМАРҚАНД ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ

1974-75 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Темир йўллар эксплуатацияси, темир йўллар қурилиши ва йўл хўжалиги саноат ва граждан қурилиши, бухгалтерия ҳисоби.

Сиртқи бўлимга темир йўллар эксплуатацияси ва бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги бўйича ўқувчилар қабул қилади.

Техникумга 8- синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит-қизлар кундузги ва сиртқи бўлимларнинг биринчи курсига, ўрта маълумотга эга бўлганлар кундузги бўлимнинг иккинчи курсига ва сиртқи бўлимнинг учинчи курсига қабул қилинадилар.

КИРУВЧИЛАР: **биринчи курсга — математика,** (оғзаки) ва **рус тили** (диктант); **иккинчи, учинчи курсга — математика** (оғзаки), **рус тили ва адабиёти** (иншо)дан **кириш имтиҳони топширадилар.**

Техникумга кирувчилар: ариза, маълумотга тўғрисидаги гувоҳнома (асли), 286-формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма ҳамида икки йил иш стажига эга бўлганлар учун) бош кийимсиз тушилган 3х4 см. катталикдаги 4 дона фотосуратларни топширадилар.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР 1 ИЮНГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Техникумга кирувчилар учун 1 июндан бошлаб тайёрлов курслари ташкил қилинади.

Техникумга қабул қилинганларга умумий асосда стипендия берилади. Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Самарқанд шаҳри, Фигельский кўчаси, 16-уй (Темир йўл вокзали яқинида). Телефон — 4-84-95.

ФУТБОЛ

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРМАДИ

Москва армиячилари ва Ленинграднинг «Зенит» командаси ўртасидаги учрашув билан олий лига вакилларининг еттинчи тур ўйинлари тугади. Рақиб дарвозасига ягона тўп киритган «Зенит» футболчилари ғалаба қозонишди. Мана етти турдирки, Ленинград футболчилари мағлубиятсиз ўйнаб келишмоқда.

25 майга келиб командалар турнир жадвалида қўйидагича ўринни эгаллаб туришибди:

«ДИНАМО» К	7	10-5	10
«ДНЕПР»	7	9-5	9
«ҚАЙРАТ»	7	12-10	9
«ЗЕНИТ»	7	7-5	9
ЦСКА	7	11-8	8
«ЧЕРНОМОРЕЦ»	7	11-10	8
«КАРПАТИ»	7	8-7	7
«ДИНАМО» М	7	7-6	7
«ШАХТЕР»	7	5-6	7
«ПАХТАКОР»	7	11-12	6
«АРАРАТ»	7	7-8	6
«НИСТРУ»	7	6-8	6
«СПАРТАК»	6	3-5	5
«ДИНАМО» Тб	6	3-6	5
«ЗАРЯ»	7	6-10	4
«ТОРПЕДО»	7	1-6	4

КИНО ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг шаҳар, қишлоқ ва яйловларида 273 та стационар ва кўчма кино установка ишлаб турибди. Механткашларга кино хизматини янада яхшилаш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Тўққизинчи беш йилликнинг охирига бориб кино установкалар кинофикация бошқармаси тармоқларида 145 тага, область касаба союзлари совети тармоқларида 137 тага кўпаяди.

Шу муносабат билан кинотеатрлар қуриш ишлари ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Тахтакўпир, Кегайли районлари марказларида ҳар бири 400 ўринли, Беруний шаҳрида 600 ўринли кенг экранли кинотеатрлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Совхозлар ҳисобидан 6 кинотеатр қурилди. Нукус шаҳрининг микрорайонида қурилаётган 400 ўринли кинотеатр битай деб қолди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

Янги шеърлар

РАҲМАТ СОВЕТЛАР ХАЛҚИГА

Акмал ПЎЛАТ

Ўзбекистон дейди ҳардам: раҳмат советлар
халқига,
Тоғ каби дўстликда бардам, раҳмат
советлар халқига.
Кенг қанот ёзди жаҳонда мард элим
овозаси.
Чарчамас меҳнатда ўктам, раҳмат
советлар халқига.
Гуллаган обод диёрим — чин боғи -
роғимдир менинг,
Бағрида нурли қуёш ёққан чироғимдир
менинг.
Кўз қароғимдир меннинг, ёвга яроғимдир
менинг,
Тан берар ҳуснига олам, раҳмат советлар
халқига.
Мақтасам қайнар юракда завқли илҳом
денгизи,
Томчиси малҳам танамга, тотли илҳом
денгизи.
Таърифинг айтса тугаймас дилда
Акмалнинг сўзи
Тўхтамас суръатда шаҳдам, раҳмат
советлар халқига.

ЎРМОНЧИЛАР ҚЎШИҒИ

Бўстонимни ўрмонларга ўрайман,
Ниҳолларни меҳр билан тарайман.
Тоғ, саҳроде қанот ёзсин
ўрмонзор,
Ўрмонимни фахрланиб куйлайман.
Қувонтирар яшил ўрмон камоли,
Ватанимнинг кўрки, ҳусни, жамоли.
Яшнай берсин бахтимизга ҳур
диёр,
Ҳур диёрим халклар бахти-иқболи.

Кўм-кўк, яшил дарахтларга
боқаман,
Соясида анҳор бўлиб оқаман.
Барк уриб яшнасин азиз Ватаним.
Кўчат тикиб ҳар йил элга ёқаман.
Мунча ҳам ёқимли ўрмон ҳавоси,
Дилларга ором бериб қушлар навоси.
Ўрмонларда изланг, дўстлар,
Акмални,
Ўрмонда янграсин қўшиқ садоси.

ЧЎЛҚУВАР ЙИГИТ

Қўлга олиб жаранглагар торимни,
Завқланиб куйлайман дилда
боримни.
Чўлқувар йигитни севаман чунон,
Номини қўймайман тилдан ҳеч
қачон.
Дунёда бўлганмас бундайин
полвон,
Бир зарб билан тоғ кўтарган
қаҳрамон.
Кучига қойилдир Рустам,
Алпомиш.
Мардликдан жаҳонга довруғин
ёймиш.
Дарёлар бўғилди мардлар қўлида,
Гуллар унди шерлар босган
йўлида.
Шарбат сув оқмоқда, канал,
сойларда,
Қиз-йигит шуҳрати юлдуз,
ойларда.
Бир томонда Мирзачўл, Жиззах
ва Қарши.
Тўхтамас йигитнинг зафарли
марши.
Яшнайди юртимда пахтазор,
боғлар,
Азамат, мард йигит чўққини
чоғлар.
Меҳнат, ижод қайнар улуғ
Ватанда,
Мардларнинг севгиси жон билан
танда.
Акмалнинг қалбида йигит, қиз
номи,
Чўлқувар мард йигит халқимнинг
жони.

ҚОНУНБУЗАР

ФЕЛЬЕТОН

Ҳақ ўз ўрнида қарор топди. Жиноятчи қилмишига яраша жазо олди. Лекин жиноятчи эмас, жабрдийда ҳамон идорама-идора шикоят хати кўтариб юрибди. Кизиғи шундаки, бу шикоят суд ҳукмининг адолатсизлигидан эмас, балки халқ суди раисининг адолатсизлигидан эди. Аниқроғи оқилона ҳукм Пахтакор район халқ судига, шикоят эса Жиззах район халқ судининг раиси Ғулом Бобоёровга тегишли. Хуллас, икки суд, икки хил ҳукм. Хўш, қайси бири ҳақ?

Бу саволни Жиззах район прокуратурасидагилар шундай шарҳлаб беришди:

— Суд фаолиятининг маданияти социалистик қонунчиликка риоя қилган ҳолда кизмат бурчини сиёсий етуклик билан бажаришни тақозо этади. Шундагина судда соғлом вазият бўлади. Шундагина одил ҳукм чиқариш мумкин. Лекин ўрток Ғ. Бобоёров бу тартибни кўп ҳолларда бузиб келади. Тергов ишларини чалкаштириб юборади.

Ҳа, Ғулом Бобоёров — район халқ судига раис қилиб сайланган кунданоқ ширин хаёллар оғушига шўнғиди. Энди кишиларнинг кўнглини оладиган, дўстлар орттирадиган пайт келди. Рост-да, қочган ҳам омад дейди, кувган ҳам. Жиноятчи жазо еғнил бўлсин деса, жабрдийда қилмишига яраша таъзирини есин, дейди. Хуллас, судьядан ҳар икки томон ҳам умидвор.

Унинг иши кутганидан ҳам зиёдроқ юришиб кетди. Эшиги олдига ҳар куни такси келиб турадиган бўлди. Ошналари кўпайди. Энди уни бир нарса қийнарди. Ахир, қонун — даҳлсиз. У ҳамма учун баробар. «Бунинг бирдан-бир иложи — даъвогар ва гувоҳларни қўрқитиш», — ўйларди у.

Уз манфаати йўлида бундан ҳам қайтмади...

Зал судланувчи, даъвогар ва унинг гувоҳлари, одамлар билан тўла. Шу пайт секретарь:

— Туринг, суд келяпти! — дея хитоб қилди...

Ҳамма ўрнидан турди. Тўрдаги баланд суянчиқли креслога савлат тўкиб суд раиси ўтирди. Суд мажлиси бошланди.

— Сиз жабрдийдага қоровулмидингиз? — дейди дабдурустдан раис гувоҳларнинг бирига бақириб.

Гувоҳ довдираб қолади. Жиноятчи, номус ўғриси, ғолибузар Лапас Эшбўтаевнинг жиноятини аниқлашга бу саволнинг қандай дахли бор экан? Жиноятчининг тарафини олиб қилинаётган бу ножўя хатти-ҳаракат суд залидагиларни ранжитди.

Вазият кескин ўзгариб кетди. Одил ҳукм учун зарур бўлган ҳолат йўқолди. Шунинг учун суд раиси Ғулом Бобоёровнинг ҳукми область судида ҳам тасдиқланмади. Иш бошқа судга ўтказилди.

Ҳа, шундай бўлди. Бу судланувчи ва даъвогар учун ҳамма иш бошидан бошланади деган гап эди. Канча вақт, канча сабр-тоқат барбод бўлди, беҳуда кетди. Бу суд раиси Ғ. Бобоёровнинг қўполлиги, принципсизлиги туфайли рўй берди.

Ғ. Бобоёров кўрган ишининг «брак» бўлганидан тегишли хулосага келмади. «Ижодий ишини» авваргидек давом эттираверди. Натижада, ўтган йили тушган 127 жиноий ишнинг судда кўрилган 86 тасидан 14 таси прокурор протести билан қайтарилди. Бу шунча иш устидан норозилик хати тушди деган гап эди.

— Мен бир жиноятчи туфайли умр йўлдошимдан ажралиб қолган онаман. Ўн бир боланинг онасиман! — дейди Жданов номли колхозда яшовчи М. Жўраева юқори ташкилотлардан бирига ёзган аризасида. — Жиноятчи қилмишига яраша жазо олди. Лекин мен жиноятчини эмас, жиноятчини аниқлашга лоқайд қараган суд раиси Ғулом Бобоёровни бир умр кечиролмайман. Негаки, у ҳақ йўлини очиш учун келган гувоҳларни дўқ уриб, ҳақорат қилди. Ишни чалкаштириб юборди. Халк судининг қутлуғ биносида жиноятчининг қариндош-уруғлари билан бирга ўтириб ичкиликбозлик қилишига имконият яратиб берди. Иш кўрилаётган пайтда жиноятчининг томонини олишга ҳаракат қилди.

Жабрдийда онанинг бу гапларида жон бор. Сўздо ходими Т. Оқилов ўзининг давлат номерига эга бўлмаган М-63 маркали мотоциклини ҳайдаб бораётиб, шу аёлнинг умр йўлдошини уриб юборган эди. Воқеа содир бўлган пайтда Т. Оқилов шикастланган М. Жўраевни қутқариб қолишга ҳаракат қилмади. Қочиб кетди. Оқибатда у ҳалок бўлди. Қаранг, нахотки суд раиси шундай бир жиноятчининг тарафини олишга уринса?!

Кизиғи шундаки, Т. Оқилов 1971 йилда ҳам худди шундай жиноят қилган эди. Лекин қандайдир йўллар билан у жазодан қутулиб кетган. Суд мажлисида Ғ. Бобоёров мана шу фактга ҳам заррача аҳамият бермади. Ёпиғлик қозон ёпиғлиғича қолишини истади.

Бирор фойдали иш билан шуғулланмай, ўғирлик қилиб юрган Н. Бакирова деган бир шахснинг жиноий ишини фош этишда ҳам судья Бобоёров локайдлик қилди. Шу сабабли бу иш бошқа халқ судида ҳал бўлди. Жиноятчи қилмишига яраша жазо олди.

«Обручевсовхозстрой» трестининг бир группа ходимлари қалбаки ҳужжат тўғрилаш йўли билан давлатнинг салкам 5 минг сўмини ўзлаштириб юборишади. Прокуратурада атрофлича ўрганилиб, тасдиқланган бу жиноий иш шу район судида 47 кун чанг босиб ётди. Охиргоқ дурустроқ кўздан кечирилмай, қайта тергова юборилди. Шу туфайли давлат мулкини талон-торож қилган ҳалиги жиноятчилар ҳануз жазоланмай келмоқда.

Суд раиси Ғ. Бобоёров социалистик қонунчиликка қатъий риоя қилмаётгани учун ҳам шундай бўлмоқда. Бунга шубҳамиз йўқ.

Н. МИРЗАЕВ.
«Совет Ўзбекистони» Жиззах область муҳбири.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 01511. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 122.